O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 22 январь, чоршанба • №7 (11.498) • Эркин нархда сотилади

Якун ва таҳлил

*Вилоят ҳокимлиги индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникация масалалари мажмуасининг 2002 йилдаги ижтимоий-иқтисодий фаолияти якунлари ва ислоҳотларнинг боришига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Унда мажмуа таркибига кирувчи вилоят бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда корхоналар, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳамидулла Асатов бошқарди.

Ўтган йили мажмуа тармоқларида муайян ижобий силжишларга эришилди. Саноат ишлаб чиқариши, қурилиш ва бошқа соҳаларда янги меҳнат марралари эгалланди. Жумладан, 23 та қишлоқ шифокорлик пункти, 5850 ўринли касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилди. Аҳолига газ ва сув етказиб бериш учун 326 километрлик қувурлар тортилди ва бошқа қатор объектлар барпо этилди.

Бироқ, йиғилишда ютуқлар билан бирга ишга тўсиқ бўлиб келаётган ва ечимини кутаётган муаммо ва камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, қурилиш суръатлари суст бораётганлиги, вилоятда мавжуд уй-жой эгалари ширкатлари фаолияти ҳали талаб даражада эмаслиги таъкидланди.

Шунингдек, акциядорлик корхоналарининг фаолиятларидаги, уларнинг акцияларини сотишдаги нуқсонлар ҳам тилга олинди. Айрим корхоналарда бундай қимматли қоғозларни сотишга етарли эътибор берилмаяпти. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги мавжуд камчиликлар ҳамон камаймаётганлиги, уларни зудлик билан бартараф этиш лозимлиги айтилди.

Йиғилишда 2003 йилда мажмуа тармоқларида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам аниқ белгилаб олинди. Хусусан, бу йил 39 та қишлоқ шифокорлик пункти, 8250 ўринли касб-ҳунар коллежлари қурилиши якунланиши, аҳоли манзилгоҳларига 310 километрлик газ, 110 километрлик ичимлик суви қувурлари тортилиши ва бошқа бунёдкорлик ҳамда коммунал хизматлар борасидаги ишлар бажарилиши режалаштирилган.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

*Вилоят ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда мажмуа таркибидаги бошқармалар бошлиқлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар билан ишловчи нозирлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда вилоятда 2002 йил давомида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, ўқувчилар томонидан амалга оширилган қонунбузарликлар ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, бу борада Республика Прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш якунларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қилинган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Амнистия тўғрисида»-ги Фармонига асосан жазодан озод қилинган ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни ишга жойлаштириш борасида кўрилаётган чоралар, шунингдек, ўтган йилда Ангрен ва Олмалиқ шаҳарларида вояга етмаганлар билан ишлашнинг аҳволи муҳокама этилди.

Таҳлилларга кўра, вилоятда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, жиноятчиликни олдини олиш борасида бир қатор салмоқли ишлар қилинмоқда. Лекин шунга қарамай айрим туман ва шаҳарларда бу борада етарли ишланмаяпти. Хусусан, Ангрен шаҳрида 2001 йилда вояга етмаганлар томонидан 24 та жиноят содир этилган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 36 тага етган. Олмалиқ шаҳрида 2001 йилда 30 тадан 2002 йилда 46 тага ошган. Ўртачирчиқ туманида бу кўрсаткич 15 тадан 23 тага ўсган.

Ушбу ҳолатларни муҳокама этиш чоғида жойлардаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг ишлари талаб даражасида эмаслиги, амалга оширилаётган тадбирлар номига бўлиб қолаётганлиги, вояга етмаганлар билан ишловчи ички ишлар нозирлари ҳам ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлаётганликлари ва бошқа қатор сабаблар кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда 2003 йилда вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан мутасадди ташкилотларга аниқ вазифалар юкланди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## ХАЙР-ЭҲСОН МАРАФОНИ



*Мамлакатимизда ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш борасида кўплаб хайрли ишлар қилинмоқда. Шу ишлар билан машғул ташкилотлардан бири — Қизил Ярим ой жамиятидир.*

Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, хўжалик, муассаса ва ташкилотлар — ҳомийларнинг хайрия маблағларини шу жамият ҳисоб-рақамида жамлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, шаҳар ва туманларда хайрия тадбирлари ташкил этилмоқда. 18 январь куни Зангиота тумани Ўртаовул шаҳарчасидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида вилоят «Хайр-эҳсон марафони»нинг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Вилоят Ички ишлар ва Халқ таълими бошқармалари, электр тармоқлари корхонаси, «Тошвилтранс» акциядорлик уюшмаси, «Вилоятагросуғурта», бошқа ўнлаб ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари жамиятнинг хайрли саъй-ҳаракатларига ривож тилаб, ўзларининг пул ўтказмаларини тақдим этишди.

*Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,*
*«Тошкент ҳақиқати» мухбири.*

Таҳририятда давра суҳбати

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

***Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Республикамиз иқтисодий-ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришди. Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт моделини дунё эътироф этди.***

***Бу ривожланиш, демократик фуқаролик жамиятини яратиш жараёни давом этаяпти. Давр талаблари нуқтаи назаридан у ўзига янгиликлар ҳам киритаётир. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида бу масалаларга тўхталиб шундай деди: «Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир».***

***Бу сўзлар жамоат ташкилотлари ҳаёти, уларнинг фаолиятига ҳам тааллуқли. Биз тараққий топган демократик мамлакатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган эканмиз, касаба уюшмалари пухта шаклланган тизимининг бу жараёнлардаги роли ва аҳамияти катта эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Бироқ давр талаблари асосида уларнинг фаолияти ҳам ўзгариши керак. Мулк хилма-хиллиги, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида уларнинг фаолияти янги мазмун ва янги йўналишлар касб этиши зарур.***

***Илгари хабар берганимиздек «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарида бўлиб ўтган навбатдаги давра суҳбатида соҳа вакиллари ва мутасадди раҳбарлари айнан шу мавзуда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.***

(Давоми 2-бетда).

## ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Паркент туманида иккита умумтаълим мактаби учун янги бино қурилиши ўз якунига етмоқда. Навбаҳор ва Чанги қишлоқларидаги жами 500 ўқувчига мўлжалланган билим масканлари сўнги пардозлашдан чиқарилиб, жиҳозлашга киришилди.

*Ўз мухбиримиз.*

*Воқеалар, хабарлар, янгиликлар* • • • • • • *Воқеалар, хабарлар, янгиликлар*

## «БАРАКА» ИШ БОШЛАДИ

*Тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида тузилаётган кредит уюшмалари қаторига янгиси қўшилди.*



Миллий матбуот марказида вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан ташкил этилган таъсис мажлисида уюшманинг 98 вакили, меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Унда уюшма низомини муҳокама этиш ва тасдиқлаш, бошқарув таркибини сайлаш, янги тузилмани рўйхатдан ўтказиш, унинг фаолияти учун лицензия олиш масалалари муҳокама қилинди.

Бир овоздан «Барака» деб ном берилган мазкур уюшмага вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмасининг ижрочи директори Матлуба Тожибоева бошқарув раиси этиб сайланди.

— Мақсадимиз қишлоқ аёллари тадбиркорликни ривожлантириши учун уларга кичик ҳажмдаги кредитлар бериш имкониятини кенгайтиришдир, — дейди М. Тожибоева. — Бугунги кунда кўплаб бошқа мамлакатларда ҳам бундай уюшмалар қишлоқ аҳолисининг кредит олиш масаласини ҳал қилувчи асосий молиявий тузилма бўлиб қолмоқда.

*Хуршида НАЗАРОВА,*
*«Тошкент ҳақиқати» мухбири.*

*"Биоэкосан" республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуида "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" лойиҳаси доирасида тайёрланган "Мен ўз йўлимни танладим" тарбиявий дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирлиги, халқаро ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, олимлар ва педагоглар иштирок этди.*

## ТАРБИЯВИЙ ДАСТУР ТАҚДИМОТИ

– Ўсиб келаётган авлодни маънавий ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, саломатликка жиддий путур етказадиган чекиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик сингари зарарли иллатларга берилишдан асраш ҳукуматимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир, – деди "Биоэкосан" ўқув-услубий мажмуаси директори Р.Султонов ЎзА мухбирига. – Синф раҳбарлари, психолог ва синфдан ташқари машғулот олиб борувчи ўқитувчилар учун чоп этилган мазкур тарбиявий дастур доирасида 12-16 ёшдаги болалар ўртасида иш олиб борилади.

Ўқитувчи учун услубий қўлланма, ўқувчи фойдаланадиган иш дафтари ва бошқа воситалардан иборат ушбу дастур материаллари асосида олинган кўникмалар ёшларни бозор иқтисодиёти шароитига тез мослашишга ўргатади. Тарбиявий дастур "ЎзБАТ" қўшма корхонаси ва АҚШнинг "Филип Моррис" компанияси молиявий кўмагида чоп этилди.

*ЎзА.*



*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида талабаларни Миллий банкда ўқитиш дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу дастур Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ) билан биргаликда ишлаб чиқилган.*

## Талабаларни касбга тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик

Янги лойиҳа махсус танлаб олинган талабалар гуруҳини банк ишига параллел равишда ўқитишни кўзда тутади. Улар банк иши, халқаро муносабатлар ва ташқи иқтисодий фаолият каби йўналишлар бўйича таҳсил олади. Ўқув дастурига назарий фанлар бўйича дарслар ҳамда Миллий банк хусусиятларини, замонавий банк технологияларини ва Миллий банкнинг кундалик ишида муваффақиятли қўлланаётган турли янгиликларни ҳисобга олувчи тезкор амалий машғулотлар ҳам киритилган.

Марказнинг техник жиҳозланиши ҳамда таълим сифати ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш имконини беради. Марказда ўқув банки модели яратилган. Унда ҳақиқий банкнинг амалиёт кассасидан тортиб консалтинггача бўлган ҳақиқий операциялари амалга оширилади. Марказдаги барча машғулотлар Миллий банкнинг юқори малакали мутахассислари томонидан олиб борилади.

Миллий банк ва ТДИУ ўртасида Талабаларни касбга тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

*ЎзА.*

*Ўзбекистон-Япония марказида Профессионал менежмент йўналиши бўйича таълим дастурининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

## МЕНЕЖМЕНТ КУРСИ ОЧИЛДИ



Учинчи маротаба ташкил этилган мазкур курсга бир неча босқичли синовлардан муваффақиятли ўтган ўн саккиз нафар тингловчи қабул қилинди. Бўлажак менежерларнинг барчаси олий маълумотли, аксарияти амалиётда ҳам тажриба тўплашга улгурган.

Курс тингловчилари беш ой давомида ўндан ортиқ фан бўйича таълим олади. Дарслар мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари ҳамда япониялик етакчи мутахассислар томонидан ўтказилади.

Машғулотлар энг замонавий таълим технологияларига эга бўлган Ўзбекистон-Япония марказида ўтади. Ўқув дастурида назария билан бирга, амалий машғулотларга ҳам кенг ўрин берилган. Тингловчилар мамлакатимизда фаолият юритаётган фирма ва компанияларнинг фаолияти билан бевосита танишиш имконига эга бўлади.

Маросимда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

*ЎзА.*

## БЕРЛИНДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

*Берлиндаги Messe Berlin кўргазмалар мажмуида "Яшил ҳафта" 68-халқаро қишлоқ хўжалиги кўргазмаси иш бошлади.*



Мазкур тадбир ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги муаммолари ва тараққиёти йўллари муҳокамаси, шунингдек немис компаниялари билан хорижий мамлакатлар вакиллари ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва сотиш борасида тажриба ўрганишни кўзда тутади.

Кўргазмада ўтган йиллардагидек кўпгина мамлакат ҳамда халқаро ташкилотлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бу нуфузли халқаро кўргазмада 1999 йилдан бери иштирок этиб келмоқда. Мамлакатимизнинг дастлабки ташрифи ҳам ниҳоятда муваффақиятли бўлган эди.

Кўргазманинг 2003 йилги фаолиятида миллий стенд ташкил этиш мамлакатимиз Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан унинг тузилмавий бўлинмаси – "Ўзэкспомарказ" республика савдо-кўргазма марказига топширилган эди.

53 квадрат метр майдон миллий стенд қатнашчилари: "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компанияси, "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик корпорацияси, "Озиқ-овқатсаноат" ва "Ёғмойтамакисаноат" уюшмалари бутун "Яшил ҳафта" мобайнида республикамизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасидаги салоҳиятини намойиш этади.

Мустақиллик йилларида юқори сифатли ҳамда рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг турини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, юртимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари хорижникидан қолишмайди, баъзида эса улардан устунлик ҳам қилади.

Берлиндаги "Яшил ҳафта" кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Миллий стендда турли ичимликлар, табиий шарбатлар, ўсимлик ёғи, глицерин, шарқона ширинликлар, қизилмия илдизи, томат пастаси, қуруқ мевалар, консерваланган мева-сабзавотлар, ёнғоқ ва кўпгина бошқа неъматлар намойиш этилмоқда. Стенднинг ўзида тотиб кўриш имкони яратилгани туфайли меҳмон ва томошабинлар намойиш этилаётган маҳсулотларнинг таъмини била олади.

Берлинда ўтказилаётган "Яшил ҳафта" кўргазмаси мобайнида Ўзбекистон делегацияси турли нуфузли тадбирларда, жумладан, "Глобаллашув нуқтаи назаридан Европа Иттифоқининг аграр сиёсати" мавзуидаги халқаро анжуманда ҳам иштирок этади.

*Назокат УСМОНОВА,*
*ЎзА мухбири.*

Таҳририятда давра суҳбати

# КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

## ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК – БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

**М. ТЎЛАГАНОВА — Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси:**

– Республикамиз Президенти ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда давлат идораларининг баъзи функцияларини босқичма-босқич жамоат ташкилотларига бериш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаб келмоқдалар.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йилларида касаба уюшмалари жамиятда ўз ўрнини топиб, ҳокимият идоралари ва иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик асосида меҳнатчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини изчил ҳимоя қилиб келмоқда. Бу жараённи бир баҳя ҳам тўхтатмаган ҳолда бугун биз ҳаракат дастурини такомилига етказишимиз, касаба уюшмаларининг янги шароитларга мос фаолият йўналишлари ва иш усулларини белгилаб олмоғимиз зарур.

**Б. ХАЛИЛОВ — агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси:**

– Шу нуқтаи назардан бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Бугунги кунда вилоятимизда 5527 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 33 минг киши меҳнат қилмоқда. Улар мустақиллик мевалари бўлиб, ўзаро меҳнат муносабатларини янгича асосларга қурмоқдалар. Бинобарин, жамият аъзоларининг мана шу қатлами билан ишлаш касаба органларидан мутлақо янгича ёндошувларни талаб қилади. Бир томондан, фермерларнинг мустақиллиги, ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланиши билан бирга, айни пайтда меҳнатчиларнинг ижтимоий ҳимояланиши, манфаатлари таъминланишига эришиш асосий вазифага айланиб бормоқда.

**Ш. ҚОСИМОВ — «Кабул-Ўзбек» қўшма корхонаси касаба қўмитаси раиси:**

– Сизларга жонли бир мисол келтираман. Бизнинг қўшма корхонамизда касаба ташкилотини тузиш осон бўлгани йўқ. Аввало, корхонамиз хусусида. Унинг таркибида иккита фабрика ишлаб турипти. Мулкнинг 70 фоизига Жанубий Кореянинг «Кабул» компанияси эгалик қилади, 30 фоизи «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясига тегишли. Биз ишлаб чиқараётган калава ип ва хом сурпнинг 95 фоизи хорижга экспорт қилинаётир.

Эътибор беринг — қўшма корхонамиз 1996 йили иш бошлади. Лекин, фақат 1998 йилга келгандагина йигирувчи ва тўқувчиларимиз касаба ташкилотига бирлаша олдилар.

Янгича шароитда ишлаш кўникмасининг йўқлиги, тажрибасизлик, аниқ қилиб айтганда, амалдаги қонунларни мукаммал билмаслик оқибатида дастлабки босқичда бир қатор нуқсонлар ҳам юз берди. Бу биринчи жамоа шартномасини имзолашда яққол кўринди. Масалан, жамоа шартномаси «ишчиларнинг хоҳиши билан иш вақтидан ташқари ишнинг муддати йилига 120 соатдан ортиқроқ бўлиши»га рухсат берарди. Ҳолбуки, республика Меҳнат кодексининг 125-моддасида иш вақтидан ташқари ишнинг муддати қатъий чегаралаб қўйилган. Биз қўшма корхона раҳбарияти билан музокаралар олиб бордик ва қонунга хилоф бу бандларни бекор қилдик. Лўнда қилиб айтганда, касаба уюшмалари фаолияти ҳар қандай мулк шаклида ҳам ишловчиларни амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга таяниб ҳимоя қилинишини исботладик.

**Н. ЕФИМОВА — Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгашининг ҳуқуқшуноси:**

– Мулк хилма-хиллиги шароитида меҳнат қонунларининг шу тариқа бузилиши муайян даражада содир бўлиб турибди. Бундай салбий тамойиллар меҳнат муҳофазаси соҳасида ҳам юз бермоқда. Касаба уюшмалари вилоят кенгашимизга мурожаатномаларнинг асосий қисми меҳнат муносабатларига, меҳнат хавфсизлиги масалаларига, ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар чоғида соғлиққа етказилган зарар учун тўланадиган товон пулига тааллуқли.

**Б. ХАЛИЛОВ:** – Бундан кўриниб турибдики, касаба ташкилотининг ҳимоялаш фаолияти ҳамон юқори поғонада турибди. Бу жиҳат қишлоқ хўжалигида айниқса жиддий намоён бўлаётир. Одамлар эски анъанага кўра ҳамон касаба органларига мурожаат этмоқдалар.

**М. ТЎЛАГАНОВА:** – Ҳолбуки, меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги билан боғлиқ вазифалар Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги зиммасига ўтказилган. Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида назорат функцияларини кўпроқ жамоат ташкилотларига топшириш ҳақида гапирилди. Шу нуқтаи назардан меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги назоратини амалга ошириш ваколатини жамоат ташкилотларига, хусусан, касаба органларига қайтариш масаласини кўриб чиқиш зарур.

**А. БУГАЕВ — «Ўзбеккимёмаш» акциядорлик жамияти касаба қўмитасининг раиси:**



Муҳайё Тўлаганова



Бахтиёр Халилов

– Мана, бизнинг «Ўзбеккимёмаш» акциядорлик жамиятимизни олинг. Касаба қўмитамиз аралашмаган соҳа йўқ. Бирор қарор қабул қилишдан аввал раҳбарият албатта касаба ташкилоти етакчисининг фикр-мулоҳазасини эшитади. Касаба қўмиталарининг раислари кузатув ёки бошқарув кенгашларининг аъзолигига сайланишган. Корхона ҳаётининг муҳим масалалари уларда муҳокама қилинаётганида, касаба етакчилари ҳамиша ишловчилар манфаати нуқтаи назаридан муносабат билдиришади. Уларнинг асосли мулоҳазалари ҳеч вақт эътиборсиз қолдирилмайди.

**А. НОСИРОВ — Чиноз туман деҳқон-фермер хўжаликлари касаба қўмитаси раиси:**

– Фермер хўжаликларида ишловчилар икки-уч йил касаба уюшмасининг таъсир доирасидан четда қолди. Бу табиий ҳол эди. Чунки, фермерлик жамиятимизда янги мулк шакли сифатида намоён бўлди. Лекин, ҳеч бир ишловчи ҳимоядан четда қолиши мумкин эмас-ку. Ана шундай шароитда биз ташаббус билан чиқдик. Бугун бизнинг ташкилотимиз 414 деҳқон-фермер хўжалигида ишловчи 3440 ходимни бирлаштириб турибди. Касаба қўмитамиз ишловчиларни ижтимоий муҳофазалаш, маданий-маънавий тарбия, спорт-соғломлаштириш вазифаларини самарали ҳал қила бошлади.

**М. ТЎЛАГАНОВА:** – Булардан кўриниб турибдики, эндиликда кўп жиҳатлар касаба етакчисининг салоҳиятига, билимига, муаммоларга ечим топа билиш қобилиятига боғлиқ. Шунинг учун биз касаба уюшмалари тизимини етук кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беришимиз ва янгиланиш жараёнида янгича ишлашга ўтишимиз зарур.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАБ

***Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний чиниқтириш, маънавий тарбиялаш алоҳида ўрин тутади. Президентимизнинг болалар спортини ривожлантиришга доир сўнгги фармони ва ҳукумат қарори фикримизнинг яна бир далили. Унда қўйилган вазифаларни рўёбга чиқаришда касаба уюшмаларининг роли ниҳоятда катта эканлиги ҳам яхши маълум. Давра суҳбати мобайнида бу масалалага ҳам алоҳида тўхталинди.***

**М. ТЎЛАГАНОВА:** Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони касаба уюшмалари зиммасига яна бир катта масъулият юклади. Вазифалар кўламини тасаввур этиш учун айрим рақамларни келтираман. Ҳозирда вилоятимиз касаба уюшмалари ихтиёрида 17 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд. Уларда 5 мингга яқин ўқувчи тарбияланмоқда. Бу муассасаларда тарбияланаётганлар орасидан Жаҳон, Осиё чемпионатларида иштирок этиб, олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритаётган истеъдодли спортчилар етишиб чиқмоқда.

Эндиликда касаба спортининг бу борадаги фаолияти янада кенгаяди. Биз маҳаллалар, хўжалик ва корхоналар билан ҳамкорликда шаҳар ва қишлоқларимизда, ўқув муассасаларида янги спорт мажмуаларини барпо этиш, мавжудларини замонавий жиҳозлар билан таъминлашда фаол иштирок этишни режаламоқдамиз.

**Б. ҲАЛИЛОВ**: – Бу ишнинг қишлоқдаги кўламлари ниҳоятда кенг бўлади. Эндиликда олис, чекка, кичик қишлоқларда ҳам спорт майдончалари барпо этиш вазифаси қўйиляпти. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнда фаол қатнашиб, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қизғин иш олиб борамиз.

**А. БУГАЕВ:** – Болалар спортини ривожлантириш режаларини биз бошқа бир қатор масалаларни ҳал қилиш билан узвий равишда кўриб чиқаяпмиз. Бу борада жиддий ишлашга тўғри келади. Корхонамизда рўй берган бир воқеа бу жиҳатдан ибратли. Беш йил бурун спорт зали сотилиб кетишига бир баҳя қолди. Ўшанда маъмурият, бошқа идоралардаги «тўра»лар билан қаттиқ олишишга тўғри келди. Касаба қўмитасининг қатъияти туфайли спорт мажмуасини сақлаб қолдик.

Спортни оммавийлаштириш ҳақида гап борар экан, буни болаларни, барча ишловчиларни соғломлаштиришсиз тасаввур этиб кўринг-чи? Албатта, бунинг иложи йўқ. Шу сабаб биз ҳар қандай молиявий қийинчиликларга қарамасдан, болалар оромгоҳини ҳам, корхонанинг санаторий-профилакторийсини ҳам сақлаб қолдик.

**М. ТЎЛАГАНОВА:** – «Ўзбеккимёмаш» акциядорлик жамияти касаба қўмитасининг бу тажрибаси шу жиҳатдан ибратлики, спорт заллари, оромгоҳлари бўлган барча касаба қўмиталари ҳам бугун шундай йўл тута олмаётирлар.

Масаланинг нечоғлик долзарблигини таъкидлаш учун баъзи рақамларни келтириб ўтмоқчиман. Кейинги йилларда вилоятимиз болаларни оромгоҳларда дам олдириб, соғломлаштириш режасини сурункали бажариб келади. Лекин, табиий савол туғилади: болаларнинг қанча қисми бу оромгоҳларга қамраб олинмоқда? Ачинарлиси шунда. Ёзги оромгоҳларда мактаб ёшидаги болаларнинг 3,5 фоизга яқини соғломлаштирилади, холос.

**Э. РАҲМОНОВА — вилоят касаба уюшмалари кенгаши бўлимининг мудири:**

– Кейинги 5-6 йил мобайнида болалар оромгоҳлари вилоятимизда 36 тадан 17 тага тушиб қолди. Ҳозирги таҳлилларга кўра, бу йил ёзда яна икки оромгоҳ очилмай қолиши мумкин.

**А. БУГАЕВ:** – Хўжалик раҳбари эътиборсиз бўлса, ишлаб турган оромгоҳ ёки санаторий ҳам ёпилиб қолиши ҳеч гап эмас. Гап раҳбарнинг эътиборини, айтайлик, болалар оромгоҳи ниҳоятда зарурлигига қарата билишда. Шу маънода, ишлаш осон бўлган раҳбарнинг ўзи бўлмайди. Раҳбар билан ишлаш ҳамиша қийин. Лекин, касаба етакчиси ҳам ҳар жиҳатдан ундан қолишмаслиги, билим, укув, малакаси юқори бўлиши керак. Бугун давр биздан ана шундай янгича қатъият билан ишлашни талаб қилмоқда. Шундай ишлаш маҳорати етишмаса, касаба етакчиси ҳеч нарсага эриша олмайди.

**М. ТЎЛАГАНОВА:** Президентимиз ташаббуслари билан 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Касаба қўмиталари тасарруфидаги маданият уйлари, клублар, кутубхоналар маҳаллаларда, қишлоқ ва хўжаликларда жойлашганлигини ҳисобга олсак, маҳаллалардаги маънавий-маданий тадбирларни ташкил этишда улар қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Гап фақат маданият, маърифат масканларини меҳнаткашларнинг ҳақиқий дам оладиган жойларига айлантиришда. Бунинг учун касаба ташкилотлари маҳаллалар фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни кучайтиришлари керак.



Анатолий Бугаев



Надежда Ефимова



Абдували Носиров

## МУҲИМИ – ТАШКИЛИЙ УЮШҚОҚЛИК, ЖИПСЛИК

***Мамлакатимизда ислоҳотлар давом этмоқда. Бу жараён ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жабҳаларда такомиллашиб бормоқда. Мутлақо янги иқтисодий муносабатлар, ёндашувлар, қарашлар шаклланди. Бу жараёнларда касаба уюшмаларининг роли қандай бўлиши керак? Уларнинг ташкилий тузилиши ва таркибини янгича шароитларга мутаносиб қайта қуриш меҳнаткашларнинг бу энг оммавий ташкилотлари учун бугун энг долзарб масалага айланди. Хўш, бу борада суҳбатдошларнинг фикри қандай?***

**А. БУГАЕВ:** – Меҳнаткаш, ёлланма ишловчининг манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаси янги шароитга мос таркибий тузилмалар касб этиши ва янгича ишлаш усулларини эгаллаши керак. Бу давр талаби. Энг муҳими буни оддий ишчилар ҳис этиши ва ишониши керак.

**Б. ХАЛИЛОВ:** – Акс ҳолда мустақиллигимизнинг дастлабки босқичида рўй берган айрим ҳолат такрорлана боради. Нима демоқчиман? Эсингизда бўлса, фермерми, у — тадбиркор, деган нуқтаи назар билан (аслида асоси йўқ ваъдалар бериб) тадбиркорлар касаба уюшмасига бирлаштириш бошланди. Бир неча йиллик тажриба кўрсатдики, ўз илдизлари билан ширкат хўжалиги ва умуман, агросаноат тизимига чатиш фермер хўжаликлари, уларда ишловчиларнинг эҳтиёжлари бўлакча.

Шуни ҳисобга олиб, биз бугун туманларда деҳқон-фермер хўжаликлари ходимлари касаба ташкилотларини шакллантира бошладик. Ҳозирча уларнинг қўмиталари туман мавқеида фаолият юритиб, деҳқон-фермер уюшмасининг жойлардаги вакилликлари билан ижтимоий шерикчиликка киришяпти. Туманларда фермер хўжаликларининг 80 фоизини агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг хизмати билан қамраб олдик.

Бугина эмас, айтайлик, ҳаёт қишлоқ ўрта махсус билим муассасаларида ҳам талабалар касаба ташкилотларини тузишни кун тартибига қўймоқда. Вилоятимизнинг агросаноат тармоғидаги 7 та ҳунар-техника билим юрти, 16 та лицей ва 2 та олий ўқув юртида ҳам талабаларнинг касаба ташкилотларини тузаяпмиз. Дастлабки кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, касаба ташкилотлари талабаларни соғломлаштириш, спорт, маънавий-маданий тарбия ишларини йўлга қўйишда сезиларли самаралар бермоқда.



Эътиборхон Раҳмонова



Шухрат Қосимов

**Ш. ҚОСИМОВ:** – Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янгича тамойиллари, бозор муносабатлари шароити ишловчининг ҳақ-ҳуқуқлари қонуний ҳимояланишига эҳтиёжни табиий равишда кучайтирмоқда. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Президентимиз бу соҳадаги вазифаларга яна ҳам аниқлик киритдилар. Жумладан, жамоат ташкилотларининг вазифалари, фаолият йўналишларига янгича талаблар қўйилмоқда. Табиийки, касаба уюшмаларининг вазифалари, ҳал қиладиган муаммолари ва ҳаракат йўналишлари шу асосда ўзгаряпти.

Хўш, бу ўзгаришлар ҳозирда уларнинг таркибига бирор-бир янгилик киритдими? Таассуфки, касаба уюшмалари бир пайтлар тасдиқланган Низомда кўзда тутилган таркиб бўйича қолиб келмоқда. Буни қайта кўриб чиқадиган пайт келди.

**Н. ЕФИМОВА:** – Мамлакат бозор муносабатлари даврига дадил кирди. Қонунларимиз ҳам шунга мослаб янгиланяпти. Икки-уч йил илгари қабул қилинган айрим қонунларга Олий Мажлис вақтида керакли ўзгаришлар киритаяпти. Баъзи қонунлар мутлақо янги таҳрирда қабул қилинаётир. Шундай тезкор даврда касаба уюшмалари таркибини янги шароитга мослаштирмаслик мумкин эмас.

**М. ТЎЛАГАНОВА:** – Аҳолини иш билан таъминлаш бугунги долзарб масалалардан бири. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан бирга бу соҳада амалга ошириладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. У янги иш ўринлари яратиш, санация қилинган, қайта ташкил этилаётган ёки банкрот деб эълон қилинган корхона ва хўжаликлар ходимларининг қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояланиши, меҳнат муҳофазаси масалаларини ўз ичига олади. Бугун шуни айтиш мумкинки, ҳар йили белгиланганидан ҳийла кўп иш жойлари барпо этилмоқда, аҳолига ижтимоий ёрдам тариқасида бандлик жамғармасидан 25-30 миллион сўм ишсизлик нафақаси, қайта ўқитиб, бошқа касбларни эгаллаш мақсадларига 12-15 миллион сўм, нафақаларга 15-16 миллион сўм сарфланаётир.

**Н. ЕФИМОВА:** – Баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари меҳнат қонунларини билишмайди. Ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳужжатлари билан танишсангиз, кўпгина буйруқлар қонуний асосга эга эмаслигини кўрасиз. Суриштирсангиз, сабабини изоҳлаб ҳам бера олишмайди.

**М. ТЎЛАГАНОВА:** – Бу борада касаба етакчисининг савияси муҳим ўрин тутади. Лекин, унинг билими, савияси етарлими? У ҳамиша ҳам иш берувчининг кучли босимига бардош бериб, ходимнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладими?

Очиғини айтиш керак, ҳозирча бу саволга ижобий жавоб бера олмаймиз.

Шуни ҳисобга олиб, биз касаба кадрларини ўқитиш, малакаларини оширишга алоҳида эътибор билан киришдик. Бу иш босқичма-босқич олиб борилаётир. Даставвал, касаба фаоллари учун ўқув машғулотларини шаҳар ва туманларда ташкил этиб, уларни муайян ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, касаба ташкилотларининг иш усуллари билан таништирдик.

Иккинчи босқичда меҳнат қонунчилиги, меҳнаткашларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган ўқувлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказдик. Учинчи босқичда соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари, таълим ва фан, автотранспорт ва йўл хўжалиги, енгил саноат ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмиталарида ўқув ташкил этилди. Натижада касаба етакчилари ўз кундалик фаолиятлари учун зарур амалий йўл-йўриқ ва билимларга эга бўлишди. Сўнгги ҳисобот-сайловда бошланғич ташкилотлар етакчиларининг 63 фоизи ана шундай кадрлар ҳисобига янгиланди.

**А. НОСИРОВ:** – Касаба қўмитасининг раиси бу билимларга кун сайин амал қилиб, меҳнаткашларнинг қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олганидагина ўз жамоасида эътироф этилган ҳақиқий етакчига айланади. Бу бирданига бўладиган иш эмас.

**А. БУГАЕВ:** – Тўғри, касаба етакчиси бўлиш осонмас. Аммо, ҳамкасблар, ишчилар ишониб сайлашдими, уни оқлаш керак. Яна айтаман, ҳар қандай раҳбар билан муаммолар ечимини топиш мумкин. Бунинг учун аввало савия, кунт ва қатъият керак.

***Давра суҳбатида касаба уюшмалари фаолиятининг бошқа масалалари хусусида ҳам сўз борди. Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Президент алоҳида урғу берган жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу борада касаба уюшмалари тажрибасидан янада кенгроқ фойдаланиш вазифалари тилга олинди. Давра суҳбатида жамиятда кечаётган эркинлаштириш жараёнида касаба уюшмаларининг ўрни, вазифаси ва масъулиятига ҳам катта эътибор қаратилди.***

***Бу вазифаларни амалга оширишда вилоят касаба уюшмалари кенгаши билан таҳририятлар ҳамкорлигини янада кенгайтириш яхши самара бериши айтилди.***

*Давра суҳбатини*
***Жўрабек МУРОДОВ*** *ёзиб олди.*

---

## МАКТАБ УЧУН ЯНГИ БИНО

Бўстонлиқ туманининг Юсуфхона қишлоғидаги 36-мактаб учун 120 ўринли янги бино битказилиб, фойдаланишга топширилди. Уни Навоий кон-металлургия комбинати бинокорлари бунёд этишди. Мактаб учун парталар, стол, стул ва бошқа анжомларни ҳам улар туҳфа қилишди.

***Ўз мухбиримиз.***

Тақдимот

*Ҳар бир авлод олдида янгидан-янги вазифалар туради. Бизнинг авлодимиз олдидаги вазифалардан бири - бу болалар фикрларини эътиборга олиш зарурлиги ҳисобланади. Пойтахтимиздаги Бизнес-марказда бўлиб ўтган ЮНИСЕФнинг ҳар йили чоп этиладиган "Дунёда болалар ўрни, 2003 йил" маърузасининг тақдимотида шу ҳақида сўз борди.*

## БИЗНЕС МАРКАЗДА УЧРАШУВ

Мазкур учрашув БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ваколатхонаси ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги томонидан уюштирилди. Бу йилги маърузада асосий эътибор болаларнинг катталар ҳаётида уларнинг мажбуриятларини эслатиш, ёшларнинг ҳаётига таъсир қилувчи қарорларни қабул қилишда уларнинг қарашларини эътиборга олиш орқали иштирок этишига қаратилди. Маъруза мавзуси БМТ Бош ассамблеясининг 2002 йилнинг май ойида ўтказилган махсус сессияси талабига жавоб беради. Илк бор болалар муаммолари муҳокама этилган ушбу сессияда болаларнинг ўзлари ҳам иштирок этган эди.

ЮНИСЕФнинг ушбу маърузасида бир қанча мақсадлар кўзда тутилган. Улар орасида энг асосийси – жамият эътиборини ёшларнинг оила, мактаб, давлат ҳаётида фаол иштирок этишига эришиш муҳимлигига қаратиш ва улар иштирокида "Болалар ҳаёти учун ёрқли дунё" декларацияси мақсадларини рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирларни қабул қилишга қаратишдир.

Маърузада соғлиқни сақлаш, овқатланиш, таълим соҳаларида болалар аҳволига оид маълумотлар, шунингдек, аҳолишуносликка доир ва иқтисодий кўрсаткичлар ҳам бор. Мазкур маъруза келгусида нафақат ахборот, балки болалар манфаатлари йўлида хизмат қилувчи ходимлар учун йўриқнома ҳам ҳисобланади.

Маъруза тақдимоти авлодлар ўртасида суҳбат тариқасида ўтказилди. Унда республикамиз вазирлик ва идоралари, халқаро ташкилотлар вакиллари, болалар иштирок этди. Мазкур учрашув катталарга болаларни тинглаш, болаларга эса катталар билан уларнинг ҳаётига таъсир қиладиган масалалар бўйича ўз фикрлари билан ўртоқлашиш имконини берди.

***Ҳ.СОДИҚОВА,***
***ЎзА мухбири.***

## КАДРЛАР ЎҚУВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўн кунлик семинар-мунозара машғулотлари давом этмоқда.*

Бу йилги семинар ўтган йиллардагидан ўзининг амалий машғулотларга бойлиги билан ажралиб туради. Ана шундай машғулотлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналари ва технологияларини синаш ва сертификатлаш маркази, Республика товар-хомашё биржаси ва Республика биржа-аукцион маркази, пойтахтимиздаги бир неча маҳаллаларда ташкил этилди.

Тингловчиларнинг навбатдаги машғулоти Президентимиз

Семинар

Ислом Каримов ташаббуси билан Бўстонлиқ туманида бунёд этилган "Чорвоқ" дам олиш масканида бўлиб ўтди. Чотқол-Угом тоғ тизмалари этагида, Чорвоқ сувомбори соҳилида жойлашган ушбу маскан ўзининг баҳаволиги, хушманзаралиги, юксак маҳорат билан барпо этилган меҳмонхоналарнинг шинам ва кўркамлиги, дам олувчиларга яратиб берилган қулайликлар - спорт майдончалари, болалар ва катталар учун мўлжалланган ёзги чўмилиш ҳавзалари, ресторан, бар, ижара майдончалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

***Олим НОРБЕКОВ,***
***ЎзА мухбири.***

# ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ ХОРИЖ КЕЗМОҚДА

*Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида давлатимиз элчихонаси ва Ўзбекистон Республикасининг мазкур шаҳардаги Савдо кўргазмалар маркази томонидан ташкиллаштирилган мамлакатимизнинг етакчи модельерлар кийимлари мажмуасининг намойиши бўлиб ўтди.*

Тақдимотда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, тадбиркор доиралари вакиллари, таниқли маданият арбоблари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Асл миллий руҳда безатилган Савдо кўргазмалар маркази шу куни ўзбек модаси, унинг анъана ва манбалари, ҳозирги замон ривожланиши ва йўналишларига катта қизиқиш билдирган меҳмонлар билан тўла бўлди.

Кўргазмадан жой олган ҳар бир экспонат халқимизнинг бой маданиятга эгалигини акс эттирди. Хусусан, турли рангдаги газлама ва кийимлар, либос ва халқ амалий санъати буюмлари ўзининг гўзаллиги, бетакрорлиги, чуқур ички мазмуни, латофати билан бу ерга ташриф буюрган Швейцария жамоатчилиги вакиллари диққат-эътиборини ўзига жалб этди.

***А.АКБАРОВ, «Жаҳон» АА, Альтендорф.***

Санъат

# МЕҲР ТАРОНАСИ

*Мамлакат Юсупова ўз касбига, санъатга меҳр қўйганлардан. У куй чалганда, миллий халқ чолғу асбобларига жон киритиб, наво таратганида, беихтиёр сел бўлиб кетасан, киши. Чунки, у ҳар бир чолғу асбобини юрак кўри, бор меҳри билан чалади, чалганда ҳам, гўё бутун табиатни ўзига жўровоз қилгандек бўлади. Шогирдлари, ўқувчиларига ҳам ана шу меҳрни сингдиришга интилади.*



Болалигидан мусиқага меҳр қўйган Мамлакат дастлаб шаҳардаги мусиқа мактабларида, сўнгра 1972-1976 йиллари Бекобод мусиқа билим юрти халқ чолғу асбоблари бўлимида таҳсил олиб, имтиёзли диплом соҳибаси бўлди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ёш созанда ўша йили Тошкент Давлат консерваториясига кириб ўқий бошлади. У талабалик йилларида ҳам қобилияти, тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Тинимсиз изланиб, машқ қилди. Бир вақтнинг ўзида Тошкент хореография билим юртида ҳам ёшларга мусиқа таълимидан сабоқ бера бошлади.

Салкам чорак асрдан буён Бекобод санъат коллежида ёшларга мусиқа илмидан сабоқ бериб келаётган муаллима вилоятимиз санъатсеварлари кўнглида миллий чолғу асбобларига, хусусан, дутор, рубоб, чанг ва найга, уларни маҳорат билан чала билишга иштиёқ, меҳр уйғотди.

Айни дамларда у олий тоифали мусиқа ўқитувчиси, миллий чолғу асбоблари бўлимида оркестр раҳбари ҳамдир. Ўзининг педагоглик фаолияти давомида билимдонлиги, талабчанлигини, тўғрисўзлиги ва ишчанлигини намоён эта билди. Ўтган йиллар давомида юзга яқин мутахассисларга устозлик қилди. Унинг шогирдлари айни кунларда маданият муассасаларида, халқ таълими тизимининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Мамлакат Юсупова раҳбарлигидаги миллий чолғу асбоблари оркестри жамоаси бир неча маротаба республика телевидениеси орқали ўз концерт дастурларини намойиш этди. Муаллима 1998 йилда «Оила йилининг энг фаол аёли» Республика кўрик-танловининг ғолиби бўлди. 2000 йилда Тошкентда ўтказилган ёш созандаларнинг биринчи республика танловида унинг синфи муваффақиятли қатнашди ва ўқувчиси танлов ғолибларидан бирига айланди.

Ёшларнинг меҳрибон мураббийси, жонкуяр педагог М.Юсупова доимо изланиш ва ижод билан банд. Унинг 1983 йилда ёзган «Ўзбек халқ чолғу асбобларида ижро этиш услубиёти», 1985 йилда ёзган яна бир дастури нафақат Тошкент вилояти санъат коллежларида, балки бошқа бир қатор мусиқа билим юртларида ҳам амалда татбиқ этилмоқда.

«Одамзот ёзиш-чизишни, ўқишни билмаслиги мумкин, лекин, шубҳа йўққи, гўзал куй, оҳанг ва тароналарнинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қандай вазиятда ҳам сезади. Таъбир жоиз бўлса, мусиқа инсоннинг юрагида албатта акс садо беради» — деган эди Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Давлат консерваториясининг янги мажмуи очилишида сўзлаган нутқида.

Ана шундай гўзаллик оламини, мусиқанинг сеҳрли жилоларини шогирдлари қалбига жо этаётган санъат фидойиси Мамлакат Юсупованинг бахти ҳам ана шундадир.

***Ашурали БОЙМУРОДОВ.***

*СУРАТДА: Мамлакат Юсупова талабаларга машғулот ўтмоқда*

Sport Sport Sport

# ҚЎМИТАДА БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

*Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мамлакат спорт федерациялари ҳамда вилоят спорт қўмиталари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ва ОАВ ходимларининг бевосита мулоқоти бўлиб ўтди. Тадбир давомида 2002 йил якунлари таҳлил қилиниб, 2003 йилда амалга ошириладиган режалар хусусида келишиб олинди.*

Спорт ёш авлоднинг нафақат жисмоний, балки, маънавий камолоти гарови ҳамдир. У мустаҳкам ирода, ватанпарварлик, ўзаро ҳурмат туйғуларини, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, жамоадошининг ютуғидан қувониш каби хислатларни шакллантиради, Ўзбекистон спортининг жаҳон миқёсидаги нуфузини, обрўсини ошириш, шон-шуҳратини юксалтиришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан қараганда, 2002 йил ютуқларга бой бўлди. Юртимиз вакиллари 158 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 241 та олтин, 219 та кумуш ва 241 та бронза (жами 701 та) медалларни қўлга киритдилар.

— Айни пайтда эришилган муваффақиятлар зиммамизга янада катта масъулият юклайди, — деди Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов. — 2003 йил Ўзбекистон спортчилари учун Афинада бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига имкон борича кўпроқ йўлланмалар олишда масъулиятли давр ҳисобланади.

Дастлабки йирик расмий мусобақалардан яна бири бу Япониянинг Амори шаҳрида 1-8 февраль кунлари бўлиб ўтадиган қишки Осиё ўйинларидир. Пусанда ташкил этилган ёзги Осиё ўйинларида умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни қўлга киритган спортчиларимиз бу сафар ҳам юртга ёруғ юз билан қайтиш учун жиддий ҳозирлик кўришмоқда.

***Ўз мухбиримиз.***



*Артур Григорян 18 январь куни Германиянинг Эссэн шаҳрида польшалик Мэтт Зеганга қарши рингга тушди.*

# БОКС ҚИРОЛЛАРИ

У шу кунгача профессионал боксда 35 та жанг ўтказиб, ҳаммасида қўли баланд келган. Мэтт Зеган эса, 25 маротаба жангда иштирок этиб, барчасини ғалаба билан якунлаган. Артур Григорян бокснинг WBO йўналиши бўйича 18-марта чемпионлик камарини ҳимоя қилди. 12 раундлик жангда очколар бўйича ғалаба қозонди. Мағлубиятсиз жанглар сонини 36 тага етказди.

Муҳаммадқодир Абдуллаев Австралиянинг Мельбурн шаҳрида IBF йўналишида Жанубий Африка Республикаси вакили, собиқ жаҳон чемпиони Филипп Холидейни 12 раундлик жангнинг тўртинчи раундидаёқ нокаутга учратди.

Қувончбек Тойғонбоев эса профессионал рингда 19 бор жанг ўтказиб, шундан 13 тасини муддатидан илгари ғалаба билан якунлаган. Мельбурндаги жангда у панамалик Алфонсо Москуерани еттинчи раундда нокаутга учратди.

# МИРЖАЛОЛНИНГ «СЕВИМЛИ НУҚТАСИ»

*Анъанавий МДҲ чемпионлари кубоги мусобақалари бу йил ҳам қизғин баҳслар билан ўтмоқда. Республикамиз чемпиони «Пахтакор» ушбу мусобақада Литванинг «Каунас», Украинанинг «Шахтёр» ҳамда Озарбайжон ёшлар терма жамоаси билан бир гуруҳдан жой олган.*

Пахтакорчилар дастлабки учрашувни Украина чемпиони «Шахтёр»га қарши ўтказишди. 90-дақиқада Марат Бикмаев томонидан киритилган тўп «Пахтакор»ни олдинга олиб чиқди. Ўйиндаги баъзи тўхташлар сабабли ҳакамлар томонидан қўшиб берилган тўрт дақиқа ҳамюртларимизнинг ғалабасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу галги голни қўшимча вақтнинг сўнгги дақиқасида Миржалол Қосимов жарима тўпини ўзининг «севимли нуқтаси»дан тўғри рақиб дарвозасига йўллаб, ҳисобни 2:0га етказди.

«Пахтакор» иккинчи учрашувни Озарбайжон ёшлар терма жамоасига қарши ўтказди ва дуранг натижа билан кифояланиб, гуруҳда карвонбоши бўлиб олди. Вакилларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувни кеча Литванинг «Каунас» жамоаси билан ўтказдилар.



Саломат бўлинг

# ФАРЗАНД СОҒЛИҒИГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

*Пневмония — бу ўпка тўқимасининг яллиғланишидир. Ўпка-нафас йўлларининг тўқималари тўлиқ ривожланмаганлиги сабабли, у айниқса, чақалоқларда оғир кечади.*



Пневмония касаллигига сабаб бўлувчи микроблар, пневмокок, стафилокок, вируслар, микоплазмалар ва замбуруғлар қай пайтларда хавфлироқ?

Кўпинча бола чўмилтирилганидан кейин унинг усти очиқ қолдирилади. Гоҳида таглиги ҳўл бўлиб кўчада бир қанча вақт қолиб кетади. Бола организмининг қувватсизлиги, рахит, камқонлик ҳам касалликка сабаб бўлади.

Микроблар юқори нафас йўллари шиллиқ қаватига жойлашиб, ўзига қулай шароитда кўпаяди. Сўнгра заҳарли токсин ажратиб, тўқималарни яллиғлантиради. Натижада майда қон томирлар деворини тешиб ўтиб қонга сўрилади. Бу жараён боланинг бутун организмига тарқалади. Юрак, бош мия, буйрак, ошқозон-ичак ва бошқа аъзоларга токсин таъсир кўрсатади.

Микроб организмга юқишидан бир неча кун кейин касаллик кучаяди. Устма-уст йўтал тутиб, иситма 38-39 даражага кўтарилиши, безовталик, иштаҳасизлик, ҳолсизланиш, қусиш, ич кетиши ҳоллари юз бериши мумкин. Шунда дарҳол болалар шифокорига мурожаат этиб, дардни ўз вақтида даволашга киришиш керак.

Касалликнинг олдини олиш, бартараф қилиш учун гўдак ётган хоналар ёруғ, шинам бўлиши, доимо дезинфекция эритмалари билан артилиб туриши лозим. У истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар оқсил ва витаминларга бой бўлиши талаб қилинади. Бола касалланса, дори-дармонлар ҳамда бир қатор чалғитувчи муолажадан фойдаланилади.

Ҳурматли оналар, фарзандларингиз соғлиғига бефарқ бўлманг.

Бунинг учун юқорида кўрсатилган амалларни ўз вақтида бажариш лозимлигини унутманг.

***Саида ЮНУСОВА, «Саломатлик» институти Тошкент вилояти филиали мутахассиси.***

# СКАНВОРД




*Тузувчи: Акрамжон ХЎЖАМОВ.*

# ЧЕМПИОНЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙМОҚДА



*Ўтган ҳафтада пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуасида 1987-89 йилларда таваллуд топган ўсмирлар ўртасида дзю-до бўйича Тошкент шаҳар очиқ чемпионати бўлиб ўтди.*

Унда Зангиота туманидаги «Назарбек» спорт мактабидан 13 спортчи вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиш учун майдонга тушди.

10 та вазн тоифаси бўйича ўтказилган мусобақада 1987 йилда туғилган Сардор Мирхўжаев (50 кг), 1988 йилда туғилган Умид Алиев (44 кг) ўз вазн тоифаларида фахрли биринчи ўринни эгаллашди. 1989 йилда туғилган ўсмирлар орасида Шуҳрат Хуснидлинов (35 кг), Умар Қаюмов (38 кг), Насибулло Қурбонов (29 кг) ҳам вилоятимиз спортчиларининг медаллар шодасига учта олтин медални қўшиб қўйишди.

***Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

# Наврўзга аталган қўшиқлар

*Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида умумхалқ байрами Наврўзга бағишланган мусиқий асарлар муҳокамаси бўлди.*

Наврўз - янгиланиш ва яшариш байрами. Мустақиллик йилларида бу байрам халқимиз учун яхшилик, мурувват, меҳр-шафқатнинг ҳақиқий тантанасига айланди. Шунинг учун ҳам юртимизда мазкур баҳор байрами жуда катта ҳаяжон билан кутиб олинади. Ўзбек халқининг асрлардан ўтиб келаётган миллий қадрият ва анъаналари, жамиятимиздаги янгиланиш жараёнлари байрам дастурлари, қўшиқ ва рақсларда ўзининг бадиий аксини топади. Бутун мамлакат бўйлаб умумхалқ байрамини кутиб олишга тайёргарлик бошланиб кетди.

Таниқли бастакорлар ҳамда ёш истеъдодли ижодкорлар томонидан баҳор байрамига аталган ўттиздан ортиқ янги мусиқа асари яратилди. Энг яхши қўшиқлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўладиган асосий тантаналарда ижро этилади.

***Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.***

**Омон МУХТОР**

# ЗЎРАКИ ЖОСУС

**(Ҳикоя)**

**Бу аслида бўлган воқеа. Лекин, сал умумлаштирилган. Озроқ бўёқ берилган.**

Акмал Мажид «япон жосуси»ни суратга олмоқчи эди.

У елкасида фотоаппарат, жосусни қидириб, ингичка сўқмоқдан тоққа кўтарилиб борарди.

Бир тўп болакайларга рўпара келди. Улар ўйнаб юришарди.

— Болалар! «Япон жосуси» қаерда туради? Билмайсизларми?

— Биламиз, — деди болалардан каттароғи. — Жосус бобо ҳув тепада. Тик чиқаверинг, кейин ўнгга юрасиз, кейин, чапга.

Акмал ҳориб-толиб анча йўл босди. Сўқмоқ чувалган арқон, тушуниб бўлмасди. Тугун кўтарган икки аёл кўринди.

— Опажонлар! Менга жосус бобо керак. Танисанглар...

— Жосусни ҳамма танийди, — деди бўйи пастроқ аёл. — Ҳали бироз юрасиз.

— Буёғи яқин, — деди улардан новчаси. — Уйи йўл устида. Уйда ётган бўлса, тутиш мумкин.

Терга ботган Акмал яна юрди. Юраверди. Бир маҳал.... кутилмаганда:

— Тўхта! Қаёққа кетяпсан?!

Каттакон ҳарсанг ортида кекса, ориқ бир киши кўзлари бақрайиб, милтиқ ўқталиб турарди.

— Ассалому алайкум, отахон. «Япон жосуси» керак эди.

— Унда нима ишинг бор?!

— Кўриб гаплашмоқчи эдим.

— Нега?

— Сиз унинг қўриқчисими? Ўзига айтаман, — деди Акмал.

— Жосус мен бўламан! Яқинлашма, бола. Отаман.

— Мен гаплашишим шарт. Суратга олмоқчиман. Буюришган.

— Суратга тушмайман, — деди ориқ киши. — Сени уйга ҳам киритмайман.

— Ҳар кимнинг вазифаси. Отсангиз, отинг! — Акмалнинг овози титраб кетди. — Мен ўзи етим ўсганман. Бир пайтлар отам қамоқхонада ўлган.

Жосус ўйланиб, бўшашди. Қўлидаги милтиқни туширди.

— Юр, ундай бўлса...

Улар қоя пинжидаги тош кулбага киришди.

— Сенинг отанг ҳам жосусмиди?!

— Мен қаёқдан биламан. Кечаси олиб кетишган.

— Биз ўз оёғимиз билан борганмиз! — деди қария.

У чой қўйди. Қумғонда чой дамлаб келиб, дастурхон ёзди. Нон ушатди.

— Мен йигирма ёшда эдим, — деди ниҳоят. — Раисликка қўйишди. Қама-қама авжига минган йиллар. Бир куни «орамизда бўлган тўртта душман»ни тутиб, туманга жўнатишимни буюришди. Бизга ажратилган норманинг ўзи тўрт киши экан! Ўз кучларинг билан жўнатасанлар, деб тайинлашди. Менинг бошим қотди. Тоғдаги кичик бир қишлоқда тўртта «душман»ни қаёқдан топаман?! Аммо ёш, дадилман. Улар ким, қанақа душман, деб сўрадим. Душман сизларда уя қурган, улар япон разведкасининг агенти, жосуси, дейишди. Ватан, халқ талаб қиляпти, дейишди. Ўша пайтга қадар япон деган гапни эшитмаганмиз. Билмаймиз. Буйруқни бажармасдан илож ҳам йўқ... Идорага бор одамни чақиртирдим. Кенгаш қурдим. «Кимни юборамиз, оқсоқоллар? Нима қиламиз?!» Униси у деди, буниси бу деди. Талашиб-тортишиб, уч кишини кўпчилик танлади. «Мамарайимни ҳеч кими йўқ, борса борсин. Қосимбек болаларидан қутулган. У ҳам борсин. Ҳамиджон ўн бир кишилик оиладан бир кишини беради. Бўлмаса, ўзи боради». Қисқаси, бошқа одам тополмадик. Учта чолни қабатимга олиб, бори шу деб туманга тушдим. Тўртталамизни ҳам тутиб, қамашди. Энди у ердаги савол-жавобни кўрсангиз... Сизлар бошқа авлод, япон ким, ҳунари нима, тушунсанглар керак?!

— Японлар катта халқ, — тилга кирди ҳикояни то шу дамгача жим тинглаб ўтирган Акмал Мажид. — Мен кўп кўришганман. Дўст-ошна орттирганман. Улар билан ҳозир мамлакатимиз ҳамкорлик ўрнатган. Қурилишлар, корхоналар...

— Баракалла, — деди жосус. — Бизнинг ақлимиз етмайди. Ўшанда «соқов бўлиб» турганимиз учун бошимизга не азобларни солишмади. Уриб-тепишгани, оч қолдириб, қорларда судратишгани ҳолва... Ёнимдаги чоллар бегона бир ерларда ўлиб кетишди. Насибам бутун экан, мен ўн йил деганда қайтиб келдим. Ҳамқишлоқларга кўрган-кечирганларимни айтдим. Шундан буён лақабим «япон жосуси»... Мана шу кулбада умрим ўтди. Ов билан тирикчилик қиламан... Мени суратга олма, болам. Ўзи фақат суратим қолган...

## Кулганга нима етсин!

— Айтинг-чи, нима учун ухлаётганингизда, кўзойнак тақиб ётасиз?

— Кўзим хиралашиб қолгани сабабли, анчадан буён тушимга кирган одамларни яхши таний олмаяпман.

* * *

— Машина ҳайдашни биласизми?

— Афсуски, йўқ.

— Бўлмаса, менинг машинамга бир соатгина қараб турсангиз.

***Ҳусниддин КУННАЛИЕВ таржимаси.***

Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 1993 йил 9 февралда уй-жойга эгалик қилиш учун Миян Мухсин Миян Кари Усманов номига берилган 10-01/6462 рақамли далолатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти «Дори-дармон» Давлат акционерлик бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси, хизмат кўрсатган провизор **Ниғмат Орипович Ориповнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг яқинларига ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Буюртма Д-49. Адади 10003. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6